

2/2025,  
mart-  
aprel  
(№ 00076)



## **ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛИШ ЖАРАЁНИДА ЭКСПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАРГА МОСЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Азимжон Хасанбой ўғли Ахмаджанов**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" кафедраси катта ўқитувчиси*

**Email:** [azimjon.akhmadjanov@gmail.com](mailto:azimjon.akhmadjanov@gmail.com)

**Orcid:** <https://orcid.org/0009-0001-3223-9759>

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol13\\_iss2/670](https://doi.org/10.55439/EIT/vol13_iss2/670)

### **Аннотация**

Мақолада экспорт операцияларини молиялаштириш тизимини Жаҳон савдо ташкилоти талаблари асосида тубдан ислоҳ қилиш, амалдаги молиялаштириш амалиётларини халқаро талаблар ва андозаларга мослаштириш, халқаро амалиётда кенг қўлланиб келаётган молиялаштириш усуллари ва воситаларини жорий қилиш зарурати кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** экспорт операцияларини молиялаштириш, экспорт кредити, аккредитив, банк кафолати, Жаҳон савдо ташкилоти.

## **ВОПРОСЫ ГАРМОНИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ ФИНАНСИРОВАНИЯ ЭКСПОРТНЫХ ОПЕРАЦИЙ С МЕЖДУНАРОДНЫМИ ТРЕБОВАНИЯМИ В ПРОЦЕССЕ ВСТУПЛЕНИЯ В ВСЕМИРНУЮ ТОРГОВУЮ ОРГАНИЗАЦИЮ**

**Ахмаджанов Азимжон Хасанбой ўгли**

*Старший преподаватель кафедры "Мировая экономика и международные экономические отношения" Ташкентского государственного экономического университета*

### **Аннотация**

В статье указана необходимость реформирования системы финансирования экспортных операций на основе требований Всемирной торговой организации (ВТО) путем приведения действующей практики в соответствие с международными требованиями и стандартами и внедрения широко применяемых в мировой практике методов и инструментов финансирования.

**Ключевые слова:** финансирование экспортных операций, экспортный кредит, аккредитив, банковская гарантия, Всемирная торговая организация.

## **ISSUES OF HARMONIZING THE NATIONAL EXPORT FINANCE SYSTEM WITH INTERNATIONAL REQUIREMENTS IN THE ACCESSION PROCESS TO THE WORLD TRADE ORGANIZATION**

**Akhmadjanov Azimjon Khasanboy ugli**

*Senior Lecturer of the Department of World Economy and Foreign Economic Relations Tashkent State University of Economics*

## **Abstract**

This article highlights the need to reform the export finance system in accordance with the requirements of the World Trade Organization (WTO) by aligning the current system with international standards and requirements, and introducing financing methods and instruments widely used in global practice.

**Keywords:** export finance, export credit, letter of credit, bank guarantee, World Trade Organization.

## **Кириш**

Республикамизда сўнги йилларда миллий иқтисодиётни эркинлаштириш ва жаҳон иқтисодиётига тўлақонли интеграция қилиш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида ташқи савдо тизими том маънода қайта ташкил қилинди. Ушбу ислохотлар доирасида совет давридан мерос бўлиб қолган ҳамда бозор тамойилларига мутлақо зид бўлган марказлаштирилган экспорт тизими бутунлай бекор қилинди. Экспортчиларнинг имкониятларини жиддий чеклаб келган лицензиялаш ва квоталаш, экспортдан тушган валюта тушумларини мажбурий сотиш ва экспорт божларини қўллаш амалиётига барҳам берилди. Экспортга йўналтирилган ташқи савдо сиёсатига ўтилиб, экспорт фаолиятини молиявий ва ташкилий қўллаб-қувватлаш миллий тизими жорий қилинди.

Шу билан бирга, миллий ташқи савдо тизимини халқаро савдо муҳитига интеграция қилиш бўйича улкан 2017 йилда республикамизни Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик жараёни қачон қайта бошланди. Мазкур ташкилотга аъзолик мақомини олиш узоқ муддат ва жиддий ислохотларни талаб қилувчи мураккаб жараён бўлиб, нафақат ташқи савдо, балки молия-банк, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, солиқ ва божхона, инсон ҳуқуқлари, меҳнат бозори каби 20 дан ортиқ соҳаларда жиддий тизимли ўзгаришларни амалга ошириш бошланди.

Мазкур тизимли ўзгаришларни амалга оширишда уларни умумжаҳон миқёсида тан олинган халқаро конвенциялар ва шартномалар, халқаро ташкилотларнинг алоҳида қоидалари ҳамда ЖСТнинг низомларига тўлиқ мувофиқлигини таъминлаш асосий мезон ҳисобланади. Аъзолик жараёнини жадаллаштириш мақсадида айрим соҳаларга оид халқаро нормалар ва қоидаларни давлатнинг устувор манфаатлари, миллий тизимнинг ўзига хосликлар ва бошқа муҳим омилларни ҳисобга олмаган ҳолда тўғридан тўғри жорий қилиш кўплаб соҳаларнинг фаолиятига акс таъсир кўрсатиб, салбий оқибатларга олиб келганлиги бир қатор мамлакатлар тажрибасида кўзатишмоқда. Хусусан, шундай “нозик” соҳалардан бири экспортни молиялаштириш тизими бўлиб, уни ЖСТ талабларига мослаштириш банк-молия тизимини тубдан ислох қилиш билан бир қаторда бир вақтнинг ўзида бир нечта халқаро ташкилотларнинг кўп сонли қоидалари ва стандартларини амалиётга жорий қилишни тақозо қилмоқда.

Масаланинг аҳамиятли жиҳати шундаки, ЖСТнинг экспортни молиялаштириш бўйича ўз талаблари мавжуд эмас ҳамда экспортни молиялаштириш бўйича аъзолик шартлари бошқа халқаро ташкилотларнинг қоидаларига бевосита боғланган. Шу боисдан, экспортни молиялаштириш тизими дунёнинг барча мамлакатларида мавжуд бўлишига қарамасдан, унинг шакллари, шартлари ва қоидалари бир биридан кескин фарқ қилади. Мазкур тизимли фарқлар сабабли экспорт операциялари иштирокчилари шартлари нисбатан қулайроқ бўлган учинчи мамлакатнинг молиявий ресурсларидан фойдаланишга мажбур бўлмоқда. Бу ҳолат айниқса, экспорт олди молиялаштириш, хорижий харидорлар учун вақтинчалик ликвидлик маблағларини тақдим қилиш ва

экспорт операцияларидаги рисклардан суғурталашда кўплаб мураккабликлар ва номувофиқликларни келтириб чиқармоқда.

Ушбу муаммолар республикамиздаги экспортни молиялаштириш тизимига ҳам тааллуқли бўлиб, халқаро амалиётда кенг тарқалган кўплаб экспортни молиялаштириш воситалари республикамизда жорий этилмаган, амалда мавжудлари эса соҳани тартибга солувчи халқаро ташкилотлар талабларига мос келмайди. Оқибатда, экспортчи корхоналарни маҳсулотни ишлаб чиқариш ва ташқи бозорга етказиб бериш учун етарли маблағ билан таъминланмаслиги, экспорт шартномасида кўрсатилган муддатлар ва шартларни бузилишига, хорижий харидор ва экспортчи корхона ўртасида савдо низолари юзага келишига ҳамда пировардида Ўзбекистонни халқаро бозорда ишончли савдо ҳамкори сифатидаги “имиджи”га жиддий путур етказишига олиб келмоқда. Ушбу ҳолатларни илмий асослаб бериш ва соҳани ривожлантириш бугунги кунда долзарб масала бўлиб қолмоқда.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Экспорт операцияларини молиялаштириш амалиётларини ўзаро мувофиқлаштириш бўйича изланишлар ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб илмий доиралар ва халқаро ташкилотлар томонидан фаол равишда амалга ошириб келинмоқда. Мавзуга оид илк илмий изланишлардан бири Жаҳон банки эксперти А.Цизаускас томонидан амалга оширилган бўлиб, у ўз илмий ишларида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида экспортни молиялаштириш усуллари ва воситалари кескин фарқ қилишига асосий эътиборини қаратди. Унинг изланишлари ривожланган мамлакатлар ўзларининг экспортни молиялаштириш тизимлари орқали субсидияланган молиялаштириш воситаларини тақдим этаётгани иқтисодий имкониятлари чекланган ривожланаётган мамлакатларни халқаро бозордан сиқиб чиқаришини ва экспортни молиялаштириш усуллари халқаро миқёсда тартибга солиш орқали тенг рақобат муҳитини шакллантириш зарурлигини кўрсатиб берди.

Кейинчалик мазкур халқаро молия ташкилотининг экспертлари В.Тамбе ва Н.Джу экспортни молиялаштиришнинг асосий усуллари ҳисобланган экспортди кредитлаш, суғурталаш ва кафолат тақдим қилиш амалиётидаги мавжуд тафовутлар ва номувофиқликларни очиб берди. Муаллифлар мамлакатлар кесимида экспортни молиялаштириш дастурларининг самарадорлигини комплекс таҳлил қилиб, давлат томонидан экспортчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш экспорт ҳажмини оширишга ижобий самара беришини, бироқ имтиёзли молиялаштириш орқали экспорт қилинган маҳсулотлар ташқи бозорда носоғлом рақобат муҳитини яратишини исботлаб берди. Улар, ўз навбатида, экспортга молиявий ресурслар билан боғлиқ бўлмаган молиялаштириш усулларида фойдаланишни кенгайтиришни илгари сурди.

Иқтисодчи олим Р.Уилшер экспортни молиялаштириш халқаро тизимининг таркибий тузилишини чуқур таҳлил қилиб, савдо қилувчи давлатлар ўртасидаги номувофиқликлар ва ўзаро савдони молиялаштиришдаги бюрократик ёндашувлар экспорт операциялари иштирокчилари учун катта тижорий рискни юзага келтиришини эмпирик усуллар билан исботлаб берди.

Халқаро валюта жамғармаси эксперти М.Стефенс Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари мисолида экспортни молиялаштириш ҳажмини камайитиришнинг салбий оқибатларини тадқиқ қилди ҳамда 1997 йилда минтақада юз берган “Осиё инқирози”ни юзага келишида экспортни молиялаштириш операцияларининг ролини

кўрсатиб берди. Унга кўра, иқтисодий қийинчиликлар фонида минтақа давлатлари томонидан экспортни молиялаштириш ҳажмларини қисқартирилиши экспортдан тушумларни камайишига, тўлов баланси мувозанати бузилишига, валюта курси нобарқарорлиги юзага келишига ва ташқи қарз таркибида корпоратив қарздорлик улуши кескин ортишига олиб келган.

Жаҳон савдо ташкилоти эксперти М.Обойннинг АҚШнинг Принстон университети профессори М.Маер-Эверт билан ҳамкорликда олиб борган илмий тадқиқотлари иқтисодий қийинчиликлар юзага келган даврларда экспорт операцияларини молиялаштиришга мўлжалланган маблағларни бошқа соҳаларга йўналтирилиши иқтисодий қийинчиликларнинг янада жиддий тус олишига сабаб бўлишини аниқлади. Бунда экспортнинг тўхтаб қолиши иқтисодиёт тармоқларининг маҳсулотларига бўлган ташқи талабнинг йўқ қилинишига, хусусий секторнинг асосий фаолиятдан оладиган даромадлари камайишига, валюта курси барқарорлиги бузилишига ҳамда мамлакатнинг ташқи бозордаги ўрни бой берилишига олиб келади. Муаллифларга кўра, мамлакат иқтисодиётида тушкунлик кузатилган пайтда экспорт операцияларини молиялаштиришни янада кучайтириш, лозим бўлса, соҳада давлат интервенциясини амалга ошириш лозим.

М.Обойн илмий изланишларини давом эттириб, қўйи даромадли мамлакатларда экспортни молиялаштириш тизимини самарадорлигини ошириш имкониятларини тадқиқ қилди. Унинг фикрича, қўйи даромадли мамлакатлар, айниқса Африка ва Осиёдаги ривожланаётган мамлакатлар экспорт операцияларини молиялаштириш учун халқаро молия муассасаларидан кредит линияларини жалб қилаётгани ташқи молиялаштириш манбаларига қарамлигини ошириб юборган. Хорижий кредит линиялари экспорт операцияларининг молиявий таъминотини бирмунча яшилаган, бироқ экспортчи корхоналарнинг қарз юкмасини ошириши ва экспортдан олинган даромадни ўз фаолиятини кенгайтиришга эмас, кредит қарздорлигини сўндиришга йўналтирилишига олиб келган.

АҚШлик олимлар Д.Гриффит ва М.Чинкота экспортни иқтисодиёт тармоқларидаги ишлаб чиқариш қувватлари фаоллигини сақлаб қолишнинг ягона ечими, макроиқтисодий барқарорликни, хусусан ишлаб чиқариш, бизнес муҳити, бандлик, аҳоли даромадлари, фискал ва монетар барқарорликнинг таъминлашнинг замонавий воситаси сифатида қайд этди. Экспортнинг иқтисодиёт учун аҳамиятини инобатга олиб, экспорт фаолиятини молиялаштиришга алоҳида устуворлик бериш, бунда давлат ва нодавлат молиялаштириш манбаларини кўпайтириш, банклар ва суғурта компанияларини экспортни молиялаштириш хизматларини кенгайтириш ва арзонлаштиришни тақлиф қилди.

Буюк Британиялик иқтисодчи олимлар Д.Фебрис, А.Раяно ва Г.Варела Покистондаги экспортчи корхоналар мисолида мамлакатдаги 2 та экспортни молиялаштириш (экспортолди молиялаштириш ҳамда хомашё ва асбоб ускуналар харидини кредитлаш) дастурининг самарадорлик кўрсаткичларини микро даражада таҳлил қилди. Ўтказилган таҳлил натижалари экспортолди кредитлаш дастуридан фойдаланган корхоналарнинг йиллик экспорт ҳажми 7 фоизга, хомашё ва асбоб ускуналар харидини молиялаштириш дастурида иштирок этган корхоналарнинг экспорт ҳажми 11 фоизга ортганини кўрсатди.

**Тадқиқот методологияси**

Ушбу илмий мақолада эмпирик, вазиятли (ситуацион) ва қиёсий таҳлил усуллари қўлланилган. Хусусан, мақолада сўз юритилган муаммонинг долзарблиги ситуацион таҳлил орқали ёритиб берилган. Шу билан бирга, қиёсий усул билан экспорт операцияларини молиялаштириш миллий тизими ва халқаро амалиёт ўртасидаги мавжуд тизимли тафовутлар ва афзалликлар таҳлил қилинган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Жаҳон савдо ташкилоти халқаро савдо тизимини ягона ёндашув асосида тариф ва нотариф усуллар билан тартибга солиш, давлатлараро савдо низоларини ҳал қилиш ҳамда жаҳон бозорида соғлом рақобат муҳитини таъминлаш билан шуғулланувчи халқаро ташкилот бўлиб, ўзининг ички келишувлари ва қоидаларига асосан глобал савдо сиёсатини шакллантиради ва юритади. Ташкилотнинг халқаро савдони тартибга солиш инструментлари савдо операцияларини молиялаштириш усулларини ўз ичига олмаганлиги сабабли, ташқи савдони молиялаштириш масалалари банк-молия соҳасини тартибга солувчи бошқа халқаро ташкилотларнинг қоидаларига боғлиқ ҳолда назорат қилинади. Жаҳон савдо ташкилоти эса халқаро савдонинг глобал регулятори сифатида давлатларнинг ташқи савдо операциялари учун молиявий таъминот жараёнларини кузатиб боради ва ушбу халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ташқи савдони молиялаштириш тизимини самарали фаолият юритишини таъминлайди.

Жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) давлатлар томонидан ажратиладиган экспорт кредитларини тартибга солиш орқали экспортчилар учун тенг шароитлар яратиш, молиявий ва бошқарув меъёрларини бир хил даражада ушлаб туришни таъминлайди. Халқаро савдо палатаси (ХСП) савдони молиялаштириш хизматларидан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида аккредитивлар, форфейтинг, кафолатлар, банк тўлов мажбуриятлари бўйича умумий қабул қилинган халқаро қоидалар ва йўриқномаларни ишлаб чиқади. Банк тизими барқарорлигини назорат қилиш бўйича Базель қўмитаси эса экспортни молиялаштириш хизматлари кўрсатувчи банк-молия ташкилотлари учун барқарорликнинг минимал стандартларини белгилайди ва уларнинг фаолиятини назорат қилади.

Таъкидлаш лозимки, республикамиздаги экспорт операцияларини молиялаштириш тизими ушбу халқаро ташкилотлар қоидаларига тўлоқонли мос келмайди. Хусусан, бугунги кунда республикамизда экспорт операцияларини молиялаштиришда тижорат банклари ва суғурта ташкилотлари томонидан экспортолди кредитлаш, аккредитив, банк кафолати ва суғурта хизматларидан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлсада, қуйидаги омиллар сабабли улар маҳаллий экспортчилар орасида оммалашмаган:

- тижорат банкларининг экспортолди молиялаштириш ва экспорт шартномасини бажариш учун зарур бўлган айланма маблағ кредитларини тақдим этиш учун ўз ресурсларининг етишмаслиги;
- тижорат банклари экспортни молиялаштириш учун ўз ресурслари ҳисобидан ажратиладиган кредитларининг фоиз ставкаси юқорилиги (йиллик 22-28%);
- экспорт операцияларини молиялаштириш бўйича халқаро молия ташкилотлари ва хорижий банклардан кредит линияларининг жалб этилмаганлиги;

- экспорт операцияларини кредитлашда тижорат банклари “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖга мутлоқ қарам бўлиб қолганлиги;
- хорижий харидорга вақтинчалик ликвидлик кредитларини тақдим этиш амалиёти мавжуд эмаслиги;
- халқаро савдо операцияларини амалга оширишда тижорат банклари томонидан банк кафолатини тақдим этиш тизими йўлга қўйилмаганлиги;
- экспорт операцияларини молиялаштиришда аккредитивдан фойдаланилганда банк комиссиясининг юқорилиги (8-15%);
- тижорат банклари томонидан экспорт кредитини ажратишда гаров таъминоти сифатида суғурта полисини қабул қилмаслик, аксинча қиймати кредит миқдорининг 125 фоизидан кам бўлмаган мулк ёки банк ҳисоб рақамига омонат қўйишни талаб қилинаётгани;
- кредитлаш, кафолат ва аккредитив тақдим этиш тизими халқаро стандартлар ва қоидаларга мувофиқ эмаслиги.

Ушбу омиллар натижасида экспортчи корхоналар мавжуд молиялаштириш усулларида фойдаланишдан воз кечаётганлиги сабабли:

- экспорт шартномаларининг асосий қисми экспортчи учун дебитор қарздорлик рискинни юзага келтирувчи “бўнак” ёки “маҳсулот хорижий харидорга етказиб берилгандан кейин тўлаш” (импорт факти) шартларида имзоланмоқда;

- кичик ва ўрта бизнес тоифасига мансуб экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда аввал экспорт қилинган маҳсулот учун тушум ўз вақтида келиб тушмаганлиги сабабли бошқа экспорт шартномалари доирасида хорижга маҳсулот етказиб беришда маблағ тақчиллиги юзага келмоқда;

- экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарнинг иш фаолияти тўлалигича экспортдан тушган тушумга қарам бўлиб қолмоқда;

- экспорт шартномалари доирасида муддати ўтган ёки умидсиз дебитор қарздорлик юзага келган ҳолатларда корхоналар экспорт фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлмоқда.

Юқорида қайд этилганидек, экспорт операцияларини молиялаштириш тизимидаги мавжуд муаммоларнинг аксарияти бевосита банк тизими билан боғлиқ. Республикамизда 36 та тижорат банки фаолият юритаётган бўлиб, ўз ресурслари ва жалб қилинган чет эл кредит линияларининг жами экспортни молиялаштириш ҳажми жуда паст даражада. Шунингдек, экспортни молиялаштириш бўйича банк хизматларининг қамрови жуда чекланган бўлиб, бугунги кунда улар томонидан экспортчи корхоналарга фақат айланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар, аккредитив, банк кафолати ва факторинг хизматлари тақдим этилмоқда.

Экспортчи корхоналарга айланма маблағ ва экспорт олди молиялаштириш кредитларини тақдим этишда асосий манба сифатида “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ бўлиб қолмоқда. Компания томонидан корхонанинг охириги 12 ойда амалга оширилган экспорт ҳажмига кўра табақалаштирилган миқдорда миллий валютада йиллик 11 фоиз ва хорижий валютада 4 фоизлик ставкада банкларга ресурс тақдим этилмоқда. Шундан кредит фоиз ставкасининг 2 фоизини тижорат банкининг комиссияси йиғими ташкил қилиб, тақдим этилган кредитни ундириш учун хизмат ҳақи сифатида ундирилмоқда. Бунда мазкур кредит туридан фойдаланиш учун экспортчи корхоналар хизмат кўрсатувчи тижорат банкларига мурожаат қилишлари ҳамда

банкнинг кредитлаш шартларини бажаришлари талаб этилади. Компания экспортчи корхонадан қўшимча шартларни бажаришни талаб қилмайди.

**1-жадвал**

**Экспорт операцияларини кредитлаш шартлари**

Шартлар	Экспорт ҳажми	
	20 млн долларгача	20 млн доллардан ортиқ
Кредит миқдори	1 млн долларгача	5 млн долларгача
Муддати	12 ойгача	12 ойгача
Миилий валютада йиллик фоиз ставкаси	11%	11%
Хорижий валютада йиллик фоиз ставкаси	4%	4%

*Манба: муаллиф томонидан тайёрланган, 2025 й.*

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 сентябрдаги ПҚ-228-сонли Фармони билан «Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар мамлакати» дастури ишга туширилган бўлиб, ушбу дастур доирасида 200 нафар экспорт фаоляти билан шуғулланувчи йирик корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш назарда тутилган.

Дастурга киритилган экспортёр корхоналар учун экспорт кредитларини олишда қўйидаги имтиёзлар тақдим этилади:

- айланма маблағларни тўлдириш учун кредит олишда тижорат банклари томонидан экспорт шартномаларини гаров таъминоти сифатида қабул қилинади;

- сўнги 12 ой давомида амалга оширилган экспорт ҳажмидан келиб чиқиб, экспорт олди ва экспорт савдо операцияларини молиялаштириш учун Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 20 млн долларгача молиявий ёрдам тақдим этилади (3-жадвал).

**2-жадвал**

**“Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти” дастури доирасида экспорт кредитини ажратиш шартлари**

Экспорт ҳажми	Экспорт кредити миқдори
1 - 5 млн доллар	1 млн долларгача
5-10 млн доллар	2 млн долларгача
10 - 15 млн доллар	3 млн долларгача
15 - 20 млн доллар	4 млн долларгача
20 млн доллардан ортиқ	5 млн долларгача

*Манба: муаллиф томонидан тайёрланган, 2025 й.*

“Савдони молиялаштириш компанияси” АЖ томонидан 2022-2023 йиллар давомида компания томонидан экспорт фаоляти билан шуғулланувчи 885 нафар корхонага айланма маблағ ва экспорт олди молиялаштириш учун 602,3 млн доллар

миқдорида кредит ресурси ажратилган. Ушбу ресурс ҳисобидан мазкур корхоналар томонидан 2,7 млрд долларлик экспорт операцияси амалга оширилган [14].

Тармоқлари кесимида кредит ресурсининг 310,3 млн доллари ёки 51,5 фоизи тўқимачилик соҳасига ажратилган бўлиб, амалга оширилган экспорт ҳажми мутаносиб равишда ушбу ресурслар ҳисобидан амалга оширилган экспорт ҳажмининг варийб ярмини ташкил қилган. Ажратилган ресурснинг қарийб 16 фоизи ёки 96,2 млн доллари қишлоқ хўжалигига йўналтирилган бўлиб, ушбу маблағлар ҳисобидан тармоқдаги 277 та корхона томонидан 475,3 миллион долларлик экспорт ҳажмини таъминлаган. Шунингдек, озиқ-овқат саноатидаги 84 та корхонага 65,0 млн доллар, қурилиш материаллари саноатидаги 50 та корхонага 35,8 млн доллар, электротехника саноатидаги 22 та корхонага 19,3 млн доллар, фармацевтика саноатидаги 11 та корхонага 7,3 млн доллар, бошқа тармоқларга мансуб 121 нафар корхонага 69 млн доллар миқдорида кредит ресурси ажратилган [14].

Ўз навбатида, ушбу кредит ресурсларининг самарадорлик кўрсаткичи тармоқлар кесимида турлича бўлиб, ўртача кўрсаткич ажратилган 1 бирлик кредит ресурси ўртача 4,5 бирлик экспортни ташкил қилган. Бунда қурилиш материаллари саноати корхоналарига ажратилган 1 доллар кредит ресурси эвазига 7,5 долларлик, қишлоқ хўжалигида 4,9 долларлик, электротехника саноатида 4,7 долларлик, тўқмачилик саноатида 4,3 долларлик, фармацевтика саноатида 3,5 долларлик, озиқ-овқат саноатида 2,3 долларлик, чарм-поябзал саноатида 0,5 долларлик экспорт амалга оширилган.

### 3-жадвал

#### 2022-2023 йилларда экспорт операцияларини молиялаштириш учун ажратилган кредит ресурслари ҳажми

№	Соҳалар ва тармоқлар	Корхоналар сони	Ресурс миқдори, (млн. долл.)	Экспорт ҳажми, (млн. долл.)	Ресурс самарадорлиги, (долл.)
1	Тўқимачилик	320	310,3	1 326,2	4,3
2	Қишлоқ хўжалиги	277	96,2	475,3	4,9
3	Озиқ-овқат	84	65,0	148,7	2,3
4	Қурилиш материаллари	50	35,8	268,1	7,5
5	Электротехника	22	19,3	91,3	4,7
6	Фармацевтика	11	7,3	25,6	3,5
7	Чарм-поябзал	2	1,0	0,5	0,5
8	Бошқалар	119	68,0	357,8	5,3
<b>Жами</b>		<b>885</b>	<b>602,3</b>	<b>2 693,7</b>	<b>4,5</b>

Манба: “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган, 2025 й.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар учун тобора аҳамияти ортиб бораётган экспортни кредитлаш тизимининг

айрим жиҳатлари ЖСТ қоидаларига зид десак муболаға бўлмайди. Ташкилот талабига кўра, аъзоликка номзод мамлакатнинг экспортни кредитлаш тизими ИХТТнинг “Экспортни кредитлаш қоидалари”га мувофиқ ташкил қилинган бўлиши лозим. Бироқ, бугунги кунда кредитлашнинг барча мезонлари бўйича ИХТТ ва миллий амалиёт ўртасида жиддий тафовутлар мавжуд (4-жадвал).

**4-жадвал**

**ИХТТ ва Ўзбекистон Республикасидаги экспорт операцияларини кредитлаш шартларининг таққослама таҳлили**

Кредитлаш шартлари	ИХТТ	Ўзбекистон Республикаси
<b>Кредит миқдори</b>	Экспорт шартномаси қийматининг 50 фоизигача	5 млн. АҚШ долларгача
<b>Фоиз ставкаси</b>	Кредит бозоридаги базавий ставкага қараб ўзгарувчан	Хорижий валютада - 4 фоиз Миллий валютада – 11 фоиз
<b>Муддати</b>	15 йил	1 йил
<b>Бошланғич тўлов</b>	15 фоиз	Мавжуд эмас
<b>Миқдорий чеклов</b>	Муддати 10 йилдан ёки миқдори 10 млн SDRдан кўп бўлган кредитларни тақдим этишдан олдин миллий регулятор хабардор қилинади	Мавжуд эмас

*Манба: муаллиф томонидан тайёрланган, 2025 й.*

ИХТТ қоидаларига кўра экспорт кредити миқдори экспорт шартномаси қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги, экспортчи корхона кредит миқдорининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бошланғич тўловни амалга ошириши, кредит муддати 15 йилдан ошмаслиги, кредитнинг фоиз ставкаси кредит бозоридаги (LIBOR, CIRR, EUROBOR ёки Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси) ставкадан келиб чиққан ҳолда эркин белгиланиши талаб қилинади.

Қолаверса, миллий банк тизимида халқаро амалиётда муваффақиятли қўлланилиб келаётган бир қатор экспорт кредити турлари ҳанузгача жорий қилинмаган. Жумладан, айти вақтда республикамиздаги тижорат банклари томонидан экспорт шартномаси бўйича аванс тўловларини кредитлаш, толлинг, омбордаги товар заҳираларини гаровга қўйган ҳолда кредитлаш, синдикатлашган кредитлаш хизматлари кўрсатилмайди.

Шу билан бирга, халқаро амалиётда ташқи савдо операцияларини молиялаштиришда аккредитив кенг қўлланилади. Мазкур молиялаштириш воситасининг бир нечта турлари мавжуд бўлиб, ташқи савдода улардан фойдаланиш Халқаро савдо палатасининг “UCP 600” стандарти орқали тартибга солинади. ЖСТ қоидаларига асосан аъзоликка номзод мамлакатнинг аккредитив хизматларидан фойдаланиш тизими мазкур стандартларига мувофиқ бўлиши талаб этилади. Бироқ ҳозирги кунда республикамиз тижорат банкларининг аккредитив билан ишлаш амалиёти ушбу стандартларига тўлиқ мос келмайди. Жумладан, маҳаллий тижорат банклари томонидан 2 турдаги аккредитивлар тақдим қилинмоқда. Бироқ халқаро

амалиётда кенг қўлланиладиган ва ЖСТ томонидан рухсат этилган аккредитивнинг замонавий турлари ҳанузгача жорий қилинмаган (5-жадвал).

**5-жадвал**

**ЖСТ томонидан ташқи савдода фойдаланиш рухсат этилган аккредитив турлари**

№	Аккредитив тури	Тавсифи
1.	Револьвер аккредитив	Ҳар бир ўтказмадан кейин автоматик қайта тикланувчи аккредитив. Мунтазам ташқи савдо операцияларини амалга оширувчи харидор ва етказиб берувчилар учун мўлжалланган.
2.	Мослашувчан аккредитив	Бозордаги риск омилларига (инфляция, валюта курси ва бошқалар) кўра миқдори ўзгариб борувчи аккредитив
3.	Ўтказилувчи аккредитив	Тўлов мажбуриятини учинчи шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказиш имконини берувчи аккредитив
4.	Параллель аккредитив	Бир вақтнинг ўзида бир нечта томон билан бир нечта савдо шартномаси доирасида расмийлаштириладиган аккредитив. Асосан ташқи савдо воситачилари (дилерлар, дистрибьюторлар ва брокерлар) учун мўлжалланган.
5.	Яшил ҳошияли аккредитив	Маҳсулотнинг қийматидан ташқари етказиб бериш ва сақлаш харажатларини ҳам ўз ичига олувчи аккредитив
6.	Қизил ҳошияли аккредитив	Маҳсулотни харидорга жўнатишдан аввал харидордан бўнак олиш ҳуқуқини берувчи аккредитив

*Манба: муаллиф томонидан тайёрланган, 2025 й.*

Бундан ташқари, экспорт операцияларини амалга оширишда банк кафолатларидан фойдаланиш имкониятлари жиддий чекланган. Маҳаллий тижорат банклари томонидан тақдим қилинаётган банк кафолатларининг асосий қисми корхоналарнинг маҳаллий тендерларда иштирок этиши учун тақдим қилинмоқда. Экспортда эса фақатгина йирик саноат корхоналари ёки устав капиталида давлат иштироки бўлган хўжалик юритувчи субъектларгагина экспортда банк кафолатини тақдим этиш амалиёти сақланиб қолмоқда. Ушбу амалиёт Халқаро савдо палатасининг банк кафолати бўйича талабларига (URDG) мос келмайди.

**Хулоса ва таклифлар**

Юқорида келтириб ўтилган тизимли муаммоларни бартараф қилиш, экспортни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва соҳани тартибга солувчи халқаро ташкилотларнинг талаб ва стандартларига мослаштириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади:

1. Экспорт операцияларини молиялаштириш миллий тизимига халқаро тажрибада кенг қўлланилаётган молиялаштириш усулларин, хусусан кредитлаш, рискларни тақсимлаш ва дебитор қарз мажбуриятларини учинчи томонга ўтказиш механизмларини жорий қилиш;

2. Банк тизимини “Базел III” стандартлари, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ва Халқаро савдо палатаси талабларига босқичма-босқич мослаштириш ҳамда экспортни молиялаштириш тизимини барқарорлиги, самарадорлиги ва халқаро молиялаштириш тизимларига мувофиқлигини таъминлаш;

3. Тижорат банклари томонидан ўз ресурслари ёки хоржий кредит линиялари ҳисобидан ажратилган экспорт кредитларининг фоиз ставкасини қайта

молиялаштириш ставкасидан ошган қисмини “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш амалиётини жорий қилиш;

4. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖга республиканинг ўтган молия йилидаги жами товарлар экспорти ҳажмининг (махсус экспортдан ташқари) 1 фоизи миқдоридан ресурс ажратиб бериш амалиётини жорий қилиш;

5. Тижорат банкларининг ресурс базасини диверсификация қилиш, хусусан халқаро молия ташкилотларидан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар экспортини кенгайтиришга қаратилган мақсадли кредит линияларни жалб қилиш;

6. Халқаро молия ташкилотларининг савдони молиялаштириш дастурларида иштирокини кучайтириш ҳамда ушбу дастурлар доирасида тақдим этиладиган молиялаштириш инструментларидан фойдаланиш бўйича экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар хабардорлигини ошириш;

7. Экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарга тижорат банкларидан экспорт кредитини олишда тадбиркорлик субъектларига “Савдони ривожлантириш компанияси” АЖ ва “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ томонидан кредит миқдорининг 50% миқдоридан ошмаган қисмига кафиллик бериш;

8. Барча тижорат банкларида гаров таъминоти сифатида суғурта полисидан фойдаланиш амалиётини жорий қилиш.

Мазкур чора-тадбирларни амалга оширилиши экспортни молиялаштириш тизимини ЖСТ талаблари асосида ислоҳ қилиш баробарида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш, халқаро бозорларга киришни енгиллаштириш ва пировардида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 октябрдаги “Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6091-сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси (<https://lex.uz/docs/5060630>).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 мартдаги “Ташқи савдо ва ҳудудий саноатни ривожлантиришда тадбиркорлар бирлашмаларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-126-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси (<https://lex.uz/docs/6838934>).

3. Cizauskas, A. (1980). The Changing Nature of Export Credit Finance and its Implications for Developing Countries. Staff Working Paper, No. SWP 409, the World Bank.

4. Tambe, W., Ning, Z. (1993), Export Credits: Review and Prospects. CFS Discussion Paper Series; No. 102, World Bank Group.

5. Willsher, R. (1995). Export Finance. Finance and Capital Markets. Palgrave Macmillan, London. [https://doi.org/10.1007/978-1-349-13980-4\\_26](https://doi.org/10.1007/978-1-349-13980-4_26)

6. Stephens, M. (1998). Export Credit Agencies, Trade Finance and South East Asia, No 1998/175, IMF Working Papers, International Monetary Fund.

7. Auboin, M., Meier-Ewert, M. (2003). Improving the Availability of Trade Finance during Financial Crises. WTO Discussion Paper No. 2.

8. Auboin, M. (2015). Improving the Availability of Trade Finance in Low-Income Countries: an Assessment of Remaining Gaps. Oxford Review of Economic Policy, 31(3/4), 379–395.

9. Griffith, D., Czinkota, M. (2012). Release the Constraints: Solving the Problems of Export Financing in Troublesome Times. Business Horizons. Volume 55, Issue 3, Pages 251-260. <https://doi.org/10.1016/j.bushor.2012.01.003>.

10. Defever, F., Riano, A., Varela, G. (2020). Evaluating the Impact of Export Finance Support on Firm-Level Export Performance: Evidence from Pakistan, Policy Research Working Paper Series 9362, The World Bank.

11. Жаҳон садо ташкилотининг расмий веб-сайти ([www.wto.org](http://www.wto.org))

12. Халқаро савдо палатасининг расмий веб-сайти ([www.icc-wbo.org](http://www.icc-wbo.org))

13. Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ([www.oecd.org](http://www.oecd.org))

14. “Савдони ривожлартириш компанияси” АЖ расмий веб-сайти ([www.epauzb.uz](http://www.epauzb.uz))